



THE ROLE OF NATIONAL COLOR IN KARAKALPAK THEATER ART EDUCATION

Pirnazarov Saubet Makhsetbaevich

13.00.01 – Pedagogical theory.

History of Pedagogical Teachings PhD independent researcher.

Erejepov Artyqbay Abyllaevich

Academic supervisor: - pedagogical sciences
doctor of philosophy (PhD), associate professor.
saubetulla@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11401005>

ARTICLE INFO

Received: 23th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

*Dramaturgy, theater,
director, actor, technology,
audience, youth, playwright,
etc.*

ABSTRACT

In this article, the role of national color and national education in Karakalpak theater is incomparable in order to educate and perfect young people. Each era has its own position in educating the young generation, and if we look at the history of the Karakalpak theater, they achieved the formation of theater art through the performances staged in the "Comedy" genre and the manifestation of national color. A group of young people from Karakalpakstan, who studied at GITIS, mainly used the "comedy" genre to open up their undiscovered sides and form a national color. The pedagogue was able to see mainly the comedy characters of the nation. Through the genre of comedy, people's pains and worries, the injustice of kings, the injustice of judges are revealed under laughter and to make people laugh without harming anyone.

РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В КАРАКАЛПАКСКОМ ТЕАТРАЛЬНО-ХУДОЖЕСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ

Пирназаров Саубет Махсетбаевич

13.00.01 – Педагогическая теория. История педагогического учения Кандидат педагогических наук, независимый исследователь.

Ережепов Артыкбай Абыллаевич

Научный руководитель: - педагогические науки доктор философских наук (PhD), доцент. saubetulla@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11401005>

ARTICLE INFO

Received: 23th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

*Драматургия, театр,
режиссер, актер, техника,
зритель, молодежь,
драматург и др.*

ABSTRACT

В данной статье несравненна роль национального колорита и национального воспитания в каракалпакском театре в деле воспитания и совершенствования молодежи. Каждая эпоха имеет свою позицию в воспитании молодого поколения, и если посмотреть на историю каракалпакского театра, то становление театрального искусства они добились через спектакли, поставленные в жанре «комедии», и



проявление национального колорита. Группа молодых людей из Каракалпакстана, обучавшихся в ГИТИСе, в основном использовала жанр «комедии», чтобы раскрыть свои неизведанные стороны и сформировать национальный колорит. Педагогу удалось увидеть преимущественно комедийных персонажей нации. Через жанр комедии под смех раскрываются людские боли и переживания, несправедливость царей, несправедливость судей, чтобы рассмешить людей, не причиняя никому вреда.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕАТР САНЪАТИ ТАЪЛИМИДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Пирназаров Саубет Махсетбаевич

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлари тарихи PhD мустақил
изланувчи.

Ережепов Артықбай Абыллаевич

Илмий раҳбар: – педагогика фанлари буйича фалсафа доктори (PhD), доцент.
saubetulla@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11401005>

ARTICLE INFO

Received: 23th May 2024

Accepted: 30th May 2024

Online: 31th May 2024

KEYWORDS

Драматургия, театр,
режиссёр, актёр,
технология, томошабин,
ёшлар, драматург ва ҳ.к.

ABSTRACT

Бу мақолада, қорақалпоқ театрида ёшларни маънавий-руҳий тарбиялаш ва комил топтириш мақсадида, миллий колоритнинг, миллий тарбиянинг тутган ўрни беқиёс. Ёш авлодни тарбиялашда ҳар қайси даврнинг ўзига хос позицияси бўлиб, айнан қорақалпоқ театри тарихига назар ташласак «Комедия» жанрида саҳналаштирилган спектакллар ва миллий колоритнинг намоён бўлиши орқали театр санъатини шакллантиришга эришган. ГИТИСда таълим олган қорақалпоғистонлик бир гуруҳ ёшларнинг таълим жараёнида асосан «комедия» жанри орқали очилмаган қирраларини очишда, миллий колоритни шакллантиришда фойдаланган. Педагог асосан миллатнинг комедияга хос характерларини кўра билган. Комедия жанри орқали халқнинг дарду ташвиши, подшоҳларнинг одил бўлмаганлиги, қози-каломларнинг одил бўлмаганлигини кулгу остига солиб очиб бериши ва ҳеч кимга зиён етказмаган ҳолда кулдиришдан иборат.

Миллий колорит деганимизда аввало ҳар бир миллатнинг, элатнинг маънавий ҳаёти, яшаш тарзи, тили, дини ва энг муҳими уларнинг миллийлиги кўз ўнгимизда гавдаланади.



Миллийлик – у ёки бу миллатнинг маънавий фаолияти ва моддий ҳаётидаги ўзига хосликдир[1].

Қорақалпоқ санъати ҳам ўзининг миллий колоритига бой ва тарихига эгадир. Кунхўжа, Бердақ, Ажиниёз, Ўтеш шоир, Сарибай масалчи ва ҳ.к. лар фаолият юритган бўлса, айнан ушбу шахсларнинг номини эшитсангиз албатта қорақалпоқ миллати кўз ўнгингизга келади. Масалан дейлик А.С.Пушкин, Чеховларни эшитсангиз рус миллати, Абайни эшитсангиз – қозоқ миллати, Чингиз Айтматовни эшитсангиз қирғиз миллати, А.Навоий, М.Улуғбек, Чўлпонни эшитсангиз ўзбек миллати кўз ўнгингизда гавдаланиши турган гап.

“Колорит” – айнан, (1) “расм”, “мозаика”, “ранглар уйғунлиги”, “рангларнинг бир хиллиги”, “рангларнинг бир хил тушганлиги” ёки (2) “бирон нарсанинг белги ва хусусиятлари мажмуи” деган маъноларни англатади.

Миллий колорит ифодасининг дастлабки долзарб хусусияти миллий маънавият тушунчасини англаш ва юксалтиришга бориб тақалади. Ҳар қандай шахсда аввало, миллатга хос қалб, миллатга хос қараш, миллатга хос ғурур, миллатга хос онг бўлиши лозим. Мана шундагина бу шахс миллат учун жасорат кўрсатишдан, миллат учун хизмат қилишдан чарчамайди. Демак, шубҳасиз, миллий маънавиятни юксалтириш давр ва яшаш тарзимизнинг асосий муҳим талабидир. Миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади[2].

Қорақалпоқлар ҳам ўзининг бой ва тарихий санъатига эга халқ бўлиб, кўпинча комедия жанрига хос халқлардан ҳисобланади. Бет ашар (келин салом) тадбирида ўртакаш томонидан ҳазил-мутоибага бой шърлар ўқилиб, куёвнинг қариндошлари тарифланиб таништирилади. Қорақалпоқларда айтишувнинг уч хили, бахшилар айтишуви, қиз-йигитлар айтишуви ва сўз айтишуви бўлиб, буларнинг ҳам асоси ҳазил-мутоибага боғлиқликни кўриш мумкин. Қорақалпоқ театр санъатида ҳам миллий колоритнинг тутган ўрни бир мунча юкори бўлиб, бу борада театримиз ташкил топган йиллардан бошлаб миллийликка асосланган комедия жанридаги пьесаларни саҳналаштира бошлаган.

Миллийлигимизни тараннум этувчи саҳна асарлари айнан уруш йилларидан бу ёғига ривожлана бошлаган десам ҳам янгилишмайман. Сабаби, қорақалпоқ театр санъати саҳнавий саводсизликлар марказида қолаётган бир вақт эди. На драматургия, на режиссура, на актёрлик маҳорати шакланган эди. Бу саводсизликларни енгиб ўтиш, уларни бартараф этишнинг вақт-соати етиб келган эди чамамда. Қорақалпоғистонда санъатни кенг миқёсда ривожлантириш чора-тадбирлари мана шу йиллардан аниқ қўлга олина бошланди. Кўплаб ёшларнинг орзу ва истакларидан келиб чиқиб А.Утеповнинг саъй-ҳаракатлари эвазига 1934 йили Москвадаги Луначарский



номидаги театр санъати институти ҳузурида янгидан ташкил этилган қорақалпоқ студиясига ўқишга юборилди. Албатта, бу курсга саралаш ишлари даставвал Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилади «Бўлажак студия талабаларини саралаш учун Москвадан махсус комиссия келиб, унинг аъзолари Қорақалпоғистон шаҳарлари ва вилоят марказларига бориб, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари ва концертларида қатнашди. Дастлабки сараланган номзодлар кириш имтиҳонларини жойида топширдилар. Аниқ танловдан сўнг 33 киши студияга қабул қилинди»[3].

2018 йил Профессор Т.Баяндиев билан суҳбатимиз чоғида, 1934 йил саралаб олинган дастлабки талабалар, Улар орасидан қалам тебратишга мойилларини драматургияга, режиссёрлик қобилияти бор ёшларни саҳналаштириш ишларига йўналтириб борди, яна айримларини эса ўқишга лаёқатлилиги етишмаслиги ва бошқада сабабларга кўра, уйларига қайтариб юборилган.

Уларни ўқитишда бирмунча қийинчиликларга дуч келган, келиб чиқиши украйналик аёл ўқитувчи О.И.Пыжова бўлди. Унинг «Актрисадан эслатмалар» (Записки актрисы) китобининг 231-263 бетлари айнан ўзи таълим берган Қорақалпоқ студиясининг ўқувчилари ҳақида «Менинг гўзал қорақалпоқларим» (Мой прекрасные каракалпаки) мавзусида эди. У ўз ҳаётида биринчи бор бундай ҳолатга дуч келганлиги, яъни, у ўқитган талабалар асосан рус табиатли ўқувчилар бўлганлиги, бошқа миллат вакилларига биринчи бор дарс бериши ҳақида ёзади.

Бунда у қорақалпоқлар билан мулоқат қилишда муаммолар бўганлигини, улар билан актёрлик маҳорати фанини ўқитишда дастлабки йилларида қийналганлигини ва ҳаттоки курсни ташлаб кетмоқчи бўлганлиги ҳақида ёзади.

Талабаларнинг нигоҳида гуёки олий таълим даргоҳига кирдинг ва сен истеъдодли талаба, кадр бўлиб етишасан деган ҳаёллар сурар эди. Талабалик даврининг бошларида ўқитувчи асосан рус гуруҳи амалий дарсларида синовдан ўтган ва билганларини вазифа қилиб берар, бу эса қорақалпоқ ўқувчиларига нотаниш ҳаёт мавзуси бўлганлиги боис бир мунча тушинмовчиликларни келтириб чиқарар эди.

Студия бадиий раҳбарининг бу хатти-ҳаракатларидан ёш талабаларнинг ўқишга бўлган иштиёқи синар ва ҳафсаласини пир бўлар эди. Студиянинг дастлабки ойлари муваффақиятдан йироқ эди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги рус тилини мукамал даражада тушунмас, ўқитувчилари эса қорақалпоқ тилини билмас эди. Студиянинг бадиий раҳбари, Москва бадиий театр мактабининг битирувчиси, ўша йилларда ҳали ўқитувчилик тажрибасини тўплаётган истеъдодли актриса Олга Ивановна Пижова асосан таржимонлар орқали мулоқот қилди. Бундай шароитда студия аъзоларининг ҳар бири билан ижодий қобилияти ва мойиллигини аниқлашга кўп вақт ва меҳнат сарф қилиниши очиқ-ойдин намоён бўлиб турар ва улар билан қизиқарли суҳбат ташкил этиш ҳам қийин эди. Студия ўқувчиларининг баъзилари ҳатто ўз ватанларига қайтиб, ўзларига мосроқ бизнес топиш учун студияни тарк этишди. Қолганлари актёрлик дарсларида қатнашдилар, аммо дарслар зерикарли ва бир хилликда ўтар эди. О.И.Пижова ўзининг нотўғри йўл тутганини англаб етган пайтлар эди, гап шундаки у танлаган йўлнинг нотўғри эканликларини «Известия» газетасидаги К.С.Станиславскийнинг мақоласидан англаб етди. Мақолада «Ҳар бир миллат, ўзининг



энг нозик миллий инсоний фазилатларини санъатда акс эттирсин, бу санъатларнинг ҳар бири ўзининг миллий ранг-баранглигини, оҳангини ва хусусиятларини сақлаб қолсин...»[4] деган сўзлари О.И.Пижовага қаттиқ таъсир қилди, у ўз фаолиятида айнан мана шу фикрга амал қилиб, диплом спектаклларини сахналаштиришда ҳам миллий хусусиятларга яқинлик тарзига амал қилди.

О.И.Пижова тушунмовчиликларда талабаларни айблашни тўхтатиб, ҳамма айбни ўз зиммасига олди ва дарсларда асосан қорақалпоқларнинг миллий ҳаётийлик пазилатларига қизиқиб, қорақалпоқларнинг оддий турмуши билан боғлиқ сахнавий этюдларни ташкил этишни йўлга қўйди.

Педагог асосан қорақалпоқ бозорлари тасвирланган этюдларни ташкил этишни ва характерларни гавдалантиришга ҳаракат қилган, ўз навбатида бу йўл билан талаба ва педагог ўртасидаги муносабатларнинг ҳам яхшиланишига олиб келди.

Педагог дастлабки бир йил вақтни талабаларни ўрганишга сарфлади. Талабалар рус тилини мукамал билмаганлиги сабабли ўша пайтлари тилни чуқурроқ ўрганишни, акс ҳолда вақтлари бекор кетишини тушинтиришга ҳаракат қилди. Таълим олишга юборилган аксарият ёшлар, ўқишга лаёқатлиги етмаганлиги сабабли 1936 йил иккинчи маротаба қабул ўтказилади ва курс тўлиқтирилади. Шу йил қайта қабул қилиш ва курсни тўлиқтириш шарт эди. Қорақалпоғистондан яна 16 нафар ёш истеъдод эгалари ўқишга юборилди.

Қорақалпоқлар асосан «комедия» жанрига хос ва мос кўринди Пижовага, бунинг яққол мисоли тариқасида диплом спектаклларига айнан комедия жанридаги асарлар танлаб олинганлигини кўрсатиш мумкин, улар:

О.И.Пижова, Б.В.Бибиков ва О.И.Романовскийлар талабалар билан биргаликда уч спектакль қўйишган. Мольернинг «Скапеннинг найранглари», А.Н.Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас», В.Вишневскийнинг «Биринчи отлик армия» пьесалари эди, буларни танлашда педагог албатта курснинг характерига, уларнинг яратган этюдларидаги ютуқларига қараб танлайди. Миллий колоритнинг комедияга хослигининг яна бир далили шундаки, ушбу танланган диплом спектаклларининг иккитаси айнан комедия жанрига хос бўлиб, 1939 йилда ГИТИСни битирувчи қорақалпоқ талабалари томонидан ўйналган 3 спектаклни Тўрткул шаҳрида томошабинлар ҳам кўтарингки руҳта қарши олишди. Айнан талабаларни ўқитган педагог профессор О.И.Пижовага «Қорақалпоғистон АССР халқ артисти» мақомини беришган. Қорқалпоқ театр санъатининг айнан ривожланиш босқичи тан олиб айтиш жоизкий ГИТИСни тамомлаган ёшлар билан бошланади.

1939 йил ГИТИС студиясини битириб келган ёшлар театрда профессионал актёрлар бўлиб ишга киришди. Шу йилнинг ўзида театрда К.С.Станиславский номи берилиб, «Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театри» статуси берилди[5].

1939 йили студия битирувчилари – 26 нафар ёш мутахассислар театрда қайтиб келди. Шу муносабат билан театрда К.С.Станиславский номи берилиб, Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театри бўлиб номлана бошлади. Битирувчилар орасида таниқли устоз санъаткорлар Туреш Алланазаров, Юлдаш Шарипов, Юлдаш Мамутов, Сапар Хўжаниёзов, София Карабаева, Тарбия Жолимбетова, Яхт Алламуратова, Холмурод Сапаров, Балтабай Айманов, Саодат Юсупова, Сабирбой



Утепбергенов, Мадирейим Матчанов, Ғаний Дошумов, Режепбай Сайдов, Пирлепес Тилегенов, Исах Шадиевлар бор эди.

Миллий колоритнинг айнан комедия жанрига хослиги унинг томошабоблигидадир, бугунги ахборот-технология даврида ҳам бу жанр ўзининг моҳияти, ўзининг томошабоблиги, ўзининг тарбиявий аҳамиятлилиги билан ёш авлодни тарбиялашда қўл келмоқда.

Хўш, комедия деганимиз нима, ва у ёшларни тарбиялашда қандай рангбарангликга эга? Биз албатта бу саволларга жавоб қдирар эканмиз эски даврларга қайтмай иложи йўқ. Театр санъатида уч жанр хўкмронлик қилади, улар – драма, комедия ва трогедия.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель, ўзининг «Поэтика» асарида «Комедиянинг вазифаси ҳеч кимга зиён келтирмасдан, кулдиришда иборат. Комедия... ёмон кишиларни бутунлай йўқ қилмаса ҳам, уларни кўрсатиш, кулгули воқеалар кўримсизликнинг бир бўлаги холос. Асосан, кулгули нарса – бу ҳеч кимнинг кўнглига тегмай, ҳеч кимга зиёи етказмайдиган бир нуқсон» - деб комедияга тариф бериб ўтади[6].

Лекин Аристотель даврида ҳам Юнонстонда комедия жанри фақат кулдириш мақсадида эмас, тарбиявий мақсадларда ҳам хизмат қилди. Буюк Француз комедиографи Ж.Б.Мольер ўзининг «Олий комедия» назариясида тушунтирар экан, уни одоб-ахлоқ ойнаси ва жамиятда учрашувчи ёмон иллатларни кўрсатувчи, керак бўлса уни тузатувчи деб билди.

Комедия вақтнинг ўтиши, жамият тузумларининг ўзгариши билан ҳам мазмунан ва шаклан ўзгариб келди.

Театр ташкил топган йилларда комедия жанрида театрда А.Утеповнинг меҳнатлари алоҳида бўлди. У драматур сифатида «Тенгин топган қиз», «Одеколон», «900 грамм», «Ошхона», «Потчажон» ва бошқада пьесаларни ёзади ва сахналаштиради.

Пьесалардаги воқеалар, асосан комедияга тан бўлган, бой, қози, хизматкор билан ёш йигит ўртасидаги курашлар гавдалантирилган. Бойлар семиз, йигит қиз муҳаббати учун курашкан, ёки янги советлар тузуми энди кириб келган урф-одатларга ҳайратланарли кўз-қарашлар кўрсатилган.

Бунгача ҳам ривожланиш босқичлари бўлган ва бу йўсинда давлат қарорлари, фармонлари тасдиқланган. Маслан дейлик 1934 йил 21 ноябрда Қорақалпоқ Халқ Комиссарлари Совети Қорақалпоқ Автоном Совет Социалистик Республикаси Давлат халқ театрини қайта қуриш ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди, қарорнинг мазмуни театр ўз ишини ташкил қилиш ва шу билан юқори сифатли спектаклларни тақдим этиш[7] билан боғлиқ эди.

Бу йилларда Қорақалпоқ давлат театри фаолияти аста-секин кучайиб борди, ниманинг сабабига десангиз албатта катта тажрибага эга мутахассисларнинг бошқа Республика ва туманлардан театримизга жалб қилинишининг эвазига, театримиз ўз кучини нафақат сақлаб қолди балки театрнинг ривожланишининг дастлабки одимларини бошлаб берди десак янгилишмаймиз.

Шундай қилиб, 1935 йилдан бошлаб Қорақалпоқ давлат театри ҳаётида янги давр – ижодий таркибнинг барқарор кенгайиши ва мустақамланиши, умуман, ижоднинг



жадал ривожланиши даври бошланди. Театрга касбий маълумотга эга ёки муайян ижодий тажрибага эга бўлган мутахассислар таклиф этилди: Қозоғистонлик режиссёр Ғ.Омаров, ўша даврдан бошлаб ўз тақдирини Қорақалпоғистон санъати билан мустаҳкам боғлаган рассом Б.Каменев сингари иқтидорли вакиллар жалб этилди[8].

Ўша йилларда театр репертуаридан Ў.Ғаджибековнинг «Аршин малалан» (1934, 1938), Г.Зафарийнинг «Халима» (1934), М.Дарибаевнинг «Коклан ботир» (1934, 1939), «Янги одамлар» (1938), Б.Майлиннинг «Талтанбайнинг тартиби» (1934), А.Бегимовнинг «Бу ким» (1934), «Хўрликдан озод» (1939), К.Касимовнинг «Гумон» (1934), Ж.Аймурзаевнинг «Ҳақислилар» (1935), Р.Мажидовнинг «Қора кучлилар» (1935, 1936), А.Шаниннинг «Зауре» (1935), С.Сейфуллиннинг «Қизил суңқорлар» (1935), А.Утеповнинг «Ялқов деҳхон» (1935), «900 грамм» (1935), К.Яшеннинг «Гулсора» (1936), Шакировнинг «Пролетар қаҳрамонлари» (1936, 1938), С.Мажидовнинг «Бағдагул» (1936, 1937), Хуршиднинг «Лайли-Мажнун» (1937), Жаббаралининг «От келини» (1938) спектакллари жой олди. Театрнинг янгилиги бу давр ичида, яъни, театрнинг асосий кучи ГИТИСда ўқиб юрган даврда ҳам театримизда янгиликлар бўлиб турди, бунга мисол тариқасида С.Мажидовнинг «Бағдагул» спектакли бўлди. Спектаклнинг янгилиги шундан иборат қорақалпоқ саҳнасида қўйилган биринчи мусиқали драма спектакли эди. Миллий драматургиямизда илк мусиқали пьеса вужудга келди ва 1936 йил режиссёр Ю.Шарипов томонидан саҳналаштирилди. Бунгача ҳам мусиқали драма пьесалари саҳналаштирилган, улар Ў.Ғаджибековнинг «Аршин малалан», Г.Зафарийнинг «Халима» спектакллари эди.

Театрнинг кучайишида айнан ҳаваскор тўғарақлардан, туманлардан келган янги кадрлар қўшилиб, театрнинг фаоллиги ортиб борди. Жумладан, туманлардаги халқ таълим бўлимига қарашли драма тўғарақларидан ҳаваскорлик театрига мойил актёр ва актрисалар труппага жалб қилиниб борилди. Бу эса кўп ўтмасдан ўз самарасини берди, яъниким, миллий театрға жалб этилган ёшлар орасида кейинчалик машхурликка эришган драматург, актёр ва режиссёрлар жалб қилинган эди. Театрга ҳаваскор спектаклларнинг иқтидорли вакиллари ҳам жалб этилди. Бунда режиссёр Ғ.Омаров катта ташаббус кўрсатиб, режиссёр ва актёр Ю.Шарипов билан биргаликда халқ истеъдодини излаб республика бўйлаб саёҳат қилган. Унинг етакчи намояндалари Сапар Хожаниёзов, Тарбия Жолимбетова, Анор Қурбонова, Ёқит Алламуратова ва бошқалар театрға мана шундай келишди. Қайта ташкил этилган жамоа 1935-36 йилги мавсумни яхши таъмирланган ва қайта жиҳозланган бинода очди. Актёрларнинг меҳнат шароити сезиларли даражада яхшиланди ва бу ижодкорлик учун қулай муҳит яратди.

Қорақалпоқ давлат театрининг 1935 йилгача бўлган фаолиятини универсал режиссёрлик ҳукмронлиги даври, барча хунармандларнинг жавоҳири сифатида тавсифлаш мумкин. Актёрлар билан ишлаш, декоратив рассом, мусиқа бўлими бошлиғи, либослар дизайнери ва реквизитчининг вазибалари - буларнинг барчаси унинг елкасига тушди[9]. Бу каби хато-камчиликлар режиссёр Ғ.Омаров даврида аста-секинлик билан бартараф этилиб борилди, лекин тўлиқбартараф этилди дейиш қийин.



References:

1. Маматова М. Sentral Asian Research journal for interdisciplinary Studies – Maqola. May-2022. 667-bet
2. Рус – ўзбек тили луғати. (Электрон дастур)
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият – энгилмас куч”, Т.: “Маънавият” 2008. 29-30-бет.
4. Баяндиёв Т. Каракалпакский театр. 11-,16-,18-стр
5. Ансатбаев Н. «Театр ҳәм актёр», Т – Наврўз. 2020 й. 36-бет.
6. Аристотель «Поэтика». Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1980, 14-бет.
7. Пирназаров С.М. «Қарақалпақ театрының профессионаллыққа өтиўинде дәслепки адымлар (1930-1939)» Илмий мақола. «Илим ҳәм жәмийет» илмий мақолалар тўплами. 2023 й., 62-64-бетлар.
8. Мамутов П. Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрининг ташкил қилиниши. Театрдаги ижодий жараёнлар ва изланишлар //Journal of Culture and Art. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 1-6.
9. Уразбаев Д, Пирназаров С. THE FIRST APPEARANCE OF POP PERFORMANCES AND ITS DEVELOPMENT OF WORLDWIDE DEVELOPMENT. Science and Education in Karakalpakstan. 2022 years. 95-96.
10. СМ Пирназаров, СБ Аяпов JIRAWSHILIQ KÓRKEM ÓNERI–BIR AKTYOR TEATRI MISALINDA. ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ, 2022.
11. К.Мухаммеддинов. “jirovchilik hunarining rivojida jumabay jirov bozorivning o`ziga xos hissasi haqida” ilimiy maqola “ilm fan qanoti” ilimiy maqolalar toplami. 2023 yil. 327-330 betler.
12. Алланбаев Р. О. ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILOSOPHY, SOCIOLOGY, HISTORY AND POLITICAL SCIENCE. – 2018. – С. 12-15.
13. Saidkhonov, Abdullo. "The Introduction and Popularization of the Era of Romanticism." Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science 4.6 (2023): 142-147.
14. ЖУМАБАЕВ А. ИСПОЛНИТЕЛЬСКИЕ СРЕДСТВА ПРИ ИГРЕ НА ДУХОВЫХ ИНСТРУМЕНТАХ (МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ИГРЕ НА ТРОМБОНЕ) //Journal of Culture and Art. – 2023. – Т. 1. – №. 8. – С. 58-65.